ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ
ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
КАШКАДАРЬИНСКОЙ
ОБЛАСТИ

180100, Ўзбекистон Республикаси, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси,1-уй. Тел: (375) 221-12-88

2017 йил «26» декабрь № Х-1038/12-сонли Қарши шаҳри

Ичимлик суви таъминоти хизматлари тарифларига махсус устама ҳақ белгилаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги" ПҚ-2900-сонли (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 291-модда) қарори ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2017 йил 15 декабрдаги 05/1-804-сонли топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 22 декабрдаги ЁТ/15-04-34-11/211-2257-сонли хатини инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда) 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги" ПҚ-2900-сонли (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 291-модда) қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2017 йил 15 декабрдаги 05/1-804-сонли топшириғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2018 йил 1 январдан бошлаб сув таъминоти корхоналари томонидан ичимлик сув таъминоти таърифларига махсус устама ҳақ фойдаланилган **ҳар 1 м^3** ичимлик сув учун **20 сўм** қилиб белгилансин.

3. Вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (**Азизов**), вилоят "Сувоқова" давлат унитар корхонаси (**Мурадов**) ва Марказий банк вилоят бош бошқармаси (**Яхяев**) билан биргаликда:

- беш кун муддатда ичимлик сув таъминоти таърифларига белгиланган махсус устама ҳақ хизмат кўрсатувчи банкда очилган махсус хисоб варақ (226260...)да кунлик

тушум бўйича махсус устама хак микдори ажратиб ҳисоб-китоб қилишни ташкиллаштирсинлар;

- **2018 йил 1 январдан** бошлаб, банкларда махсус хисоб варақ (226260....)да тўпланган махсус устама хақ пул умумий сўммаси ҳар ойда уч марта, яъни ҳар ўн банк иш кунида Молия вазирлиги ғазначилиги х/р 23402000300100001010 Тошкент шаҳар МБ ХККМ, МФО 00014, СТИР 201122919 Жамғарма Ш/х/в 40101086026266795010011000l СТИР 304931516 ОКЭД 84111 рақамли Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғарма ҳисоб варағига ўтказиш тўғрисида банк хизмат кўрсатиш шартномасига ўзгартириш киритсинлар.

4. Ичимлик сув таъминоти хизматлари таърифларига белгиланадиган махсус устама хақ сўммаси мақсадли тушум ҳисобланиши, барча солиқ турларини ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблашда солиққа тўланадиган базага киритилмаслиги, шунингдек, сув таъминоти ташкилотларининг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилмаслиги инобатга олиниб ижрога йўналтирилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Джураев зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **З.Рузиев**

ДЕВОНХОНА